



№ 53-к

«4» февраль 2013 йил

QAROR

Қурилиш материаллари ишлаб
чиқариш, хом ашёларни қабул
қилиш ва тарқатиш омборхонаси
қуриш учун ер танлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги № 146-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2011 йил 28 май № 121-Қ сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда ер участкалари бериш тартибини янада такомиллаштириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари химоя қилинишини таъминлаш, Республика аҳоли пунктларининг архитектура киефасини яхшилаш, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва Шаҳарсозлик кодексига мувофиқ уларнинг ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш мақсадида, Каттақўрғон шаҳар «Вахром Coal Business» МЧЖ раҳбари Ш.Рахмонов томонидан ёзилган хатини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2011 йил 29 июлдаги 44-Ф сонли «Каттақўрғон шаҳрида шаҳарсозлик ва ер танлаш тўғрисида»ги фармойиши билан тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттақўрғон шаҳар «Вахром Coal Business» МЧЖ раҳбари Ш.Рахмоновга Ингичка кўчасида жойлашган умумий эгаллаб турган майдони 0,75 гектарни ташкил қилган қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, хом ашёларни қабул қилиш ва тарқатиш омборхонаси қуришни замонавий талабларга жавоб берадиган лойиҳа асосида қайта қуриш ҳамда атрофини ободонлаштириш учун танланди.
3. Каттақўрғон шаҳар «Вахром Coal Business» МЧЖ раҳбари Ш.Рахмоновга белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари (кейинги ўринларда қурилиш лойиҳаси деб аталади) асосида ер участкасини ажратиш материалларини расмийлаштириш юклатилади. Ушбу қарор объектни қуришга муҳандислик корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.
4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокими ўринбосари Ш.Рахмонов ва шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими:

С.З.Раззаков.